

## САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

**Абдукаримов Дониёр**

Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги бизнес ва  
тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси

Автомобилсозлик саноатининг ривожланиши илмий-техник тараққиёт билан чамбарчас боғлиқ жараён: бутун автомобилсозлик саноатининг ривожланиши амалий ва фундаментал фанларнинг билимлари ва ютуқларига асосланади. Автомобил саноати ҳам технологияда илғор янгиликларни ишлаб чиқади, ҳам уларнинг фаол истеъмолчиси ҳисобланади.

«Автомобил саноатида эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни такомиллаштириш, UzAuto Motors мисолида» мавзусидаги тадқиқот ишимиз объекти ва предметлари ёритилган адабиётлар қаторида С.Д. Бодрунов томонидан ёзилган «Импорт ўрнини босиш назарияси ва амалиёти: сабоқ ва муаммолар» номли монографияси базавий қўлланма сифатида танлаб олинди ва у мутоала қилиниб, таҳлил қилиб чиқилди.

Ушбу китобда импорт ўрнини босиш муаммоси, мазкур муаммонинг пайдо бўлиш сабабларини таҳлил қилиш устида амалга оширилган тадқиқотлар натижалари ёритилган. Иқтисодиёт деиндустриализацияси, яъни юртимизда саноат ишлаб чиқариш соҳаси фаоллигини камайиши натижасида юзага келган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёнлари, иқтисодий санкциялар шулар жумласидандир. Мустабид даврининг аччиқ сабоқларининг натижаси ўлароқ мустақил давлатларда импорт ўрнини босувчи саноат сиёсатини шакллантиришнинг асосий тамойиллари шакллантириш жараёнлари тавсифланган.

Китобда маҳсулот ва ишлаб чиқариш омилларини ўзгартириш, яъни импорт ўрнини босиш муаммолари, муаллиф томонидан макроиқтисодий назариясининг ретроспектив ёндашуви асосида кўриб чиқилган. Иқтисодиётнинг асосий тармоқларидаги вазиятни баҳолаш ишлари амалга оширилган. Импорт ўрнини босишнинг мақсадлари ва муддатлари, улар натижасида қўлга киритиш режалаштирилган натижалар ва асосий хавфлар таҳлил қилиб чиқилган. Беллман усули, шунингдек чизиқли дастурлаш моделлари ёрдамида ресурслар ва маҳсулотларни энг мақбул шарт шароитларда ўзгартириш муаммоларини ҳал қилишга оид амалиётда содир бўладиган мисоллардан келтирилган. Импорт ўрнини босиш дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари, стратегиялари ва чора-тадбирларини шакллантириш бўйича мушоҳадалар юритилган. Иқтисодиётнинг айрим тармоқларида импорт ўрнини босиш концепциясини амалга ошириш натижалари ҳам тавсифлаб чиқилган.

С.Д.Бодрунов монографиясининг биринчи қисмида Россия Федерациясининг иқтисодий тизими, хусусан жорий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, муаммони таҳлил этишнинг тадқиқот методологияси, россия ўз олдиган қўйган иқтисодий қайта интеграциялашувнинг ҳозирги муаммоларини ҳам таҳлил қилиб чиққан. Шунингдек, россиянинг мустабид тузим давридаги бошқарувнинг салбий омиллари натижасида бошидан ўтказган салбий вазият ҳамда улардан олган поссовет даврининг ижобий ва салбий сабоқлари ва фойдаланиш йўналишлари таҳлил қилиб чиқилган. Монографиянинг ахамиятли жиҳати, унда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг реинтеграциясини таъминлаш бўйича истиқболли ечимларни тадқиқ этиш масалалари, илгари сурилган ғоялари билан ифодаланади дейиш мумкин.

Монографиянинг иккинчи қисми иқтисодий реинтеграция масалаларини ёритишга бағишланган. Бунинг натижасида иқтисодиётни қайта саноатлаштиришнинг устувор жиҳатлари, импорт ўрнини босувчи саноат сиёсатини шакллантиришнинг асосий тамойилларида ўз ифодасини топган. Китобнинг навбатдаги қисмида Россия Федерацияси ташқи савдосининг ҳолати, жумладан импорт ҳажми ва таркиби ҳамда импортнинг ўсиши пасайишининг асосий омиллари кўриб чиқилган. Импорт ўрнини босувчи саноат сиёсатининг концепцияси, мақсади ва асосий масалалари навбатдаги қисмда кўриб чиқилган. Бунда импортни ўрнини босувчи санат сиёсатининг мақсадли кўрсаткичлари, иқтисодиётида мазкур сиёсат реализацияси натижасда эришилиши режалаштирилган асосий натижалар баён этилган. Шунингдек, импорт ўрнини босувчи саноат сиёсатини амалга ошириш дастурини амалга оширишни рағбатлантириш стратегияси, дастурнинг асосий йўналишлари ва чоралари ҳақида мушоҳада юритилган.

Муаллиф китобнинг сўнги қисмини импорт ўрнини босувчи саноат сиёсати ва концепциясини иқтисодиётнинг турли соҳаларида амалга оширишга оид илмий мушоҳадаларни баён этган. Жумладан, машинасозлик, асбобсозлик, дори-дармон воситалари, тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлари, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат, тўқимачилик саноати, ахборот-коммуникация технологиялари ва ўрмон хўжалиги соҳаларида импорт ўрнини босувчи саноат сиёсати ва концепциясини амалга ошириш бўйича тадқиқотлари натижалари ва илмий хулосаларини тавсифлаб берган. Китобнинг якунида иқтисодий назарияда маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш омилларини маконини алмаштириш муаммосининг умумий жиҳатлари ҳамда импорт ўрнини босувчи саноат сиёсатини амалга ошириш режасини оптималлаштириш масалалари бўйича ҳам илмий хулосаларини баён этган.

Мавзуга оид адабиётлардан яна бири бу – Устин Чашихиннинг «Инновациялар орқали импорт ўрнини босувчи саноатни йўлга қўйиш:

корхона рақобатбардошлигини ошириш усуллари»<sup>1</sup> номли китоби бўлди. У. Чашихин китобида «Нима учун Россия иқтисодиёти ғарб мамлакатларидан ортда қолмоқда?», «Нима учун Япония, Корея ва Хитой Россиядан ўзиб кетди?» «Нима учун янги технологиялар Россияда эмас, Ғарбда яратилмоқда?», «Жаҳон бозорида талаб юқори бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қандай бошлаш керак?», «Қандай қилиб импорт ўрнини босиш мумкин?» сингари саволларнинг жавобларини изохлашга ҳаракат қилган. Мазкур китобда корхона ва ташкилотлар, фирма ва компанияларнинг глобал рақобат ёки турли омиллар асосидаги инқирозлардан қутқариш, иш жойларини сақлаб қолиш борасида фойдали бўлган билимлар билан бирга компанияларнинг даромадларини жаҳон даражасидаги глобал миқёсга олиб чиқиш бўйича илмий асосланган хулосалар баён этилган.

Е.А Червинский эса ўзининг «Беларусь Республикасида импорт ўрнини алиштириш. Таҳлил усуллари ва такомиллаштириш йўналишлари»<sup>2</sup> номли китоби ҳам тадқиқот доирасида қизиқишини уйғотди. Монографияда импорт ўрнини босувчи саноатни ривожлантириш бўйича жаҳон амалиёти таҳлил этилган, уни амалга оширишга нисбатан мавжуд ёндашувлар ва механизмлар тавсифлаб чиқилган.

Маҳаллий ва ҳорижий изланувчиларнинг импорт ўрнини босувчи саноатни ривожлантириш масаласига оид илмий ишлар тизимлаштирилган ва таҳлил қилиб чиқилган. Импорт ўрнини босувчи саноат тармоғини ривожлантириш бўйича Беларусь Республикасининг ижобий тажрибаси батафсил таҳлил этиб чиқилган. Шунингдек, импорт ўрнини босувчи саноатни ривожлантириш сиёсатини амалга ошириш босқичлари, бу борада қўлланилган бошқарув усуллари ва воситалари тавсифланган ва статистик маълумотлар келтирилган.

Мавзуга бағишланган илмий тадқиқот ишларини янада бойитиш учун Е.А Червинский тадқиқотлар самарадорлигини ошириш бўйича ўзининг муаллифлик ёндашуви ва услубларини илгари сурган. Жумладан, муаллиф ўз монографиясининг биринчи қисмида импорт ўрнини босувчи саноатни ривожлантиришнинг назарий асосларини ёритишга бағишлаган. Бунда импорт ўрнини босувчи саноатнинг иқтисодий моҳияти ва уни тадқиқ этишга нисбатан мавжуд назарий ёндашувлар, шунингдек импорт ўрнини босувчи саноатни ривожлантириш бўйича жаҳон амалиёти ва тажрибаси ҳам таҳлил этиб чиқилган.

Монографиянинг навбатдаги ва асосий қисми Беларусь Республикасида импорт ўрнини босувчи саноат сиёсатини тавсифлашга бағишланган. Бунинг

<sup>1</sup> Чашихин У. В. Импортозамещение через инновации. Методы повышения конкурентоспособности предприятий/ У. В. Чашихин — «Издательские решения», ISBN 978-5-44-850547-8

<sup>2</sup> Червинский Е.А., Импортозамещение в Республике Беларусь: методы анализа и направления совершенствования/ Е.А.Червинский. – Минск: Беларуская навука, 2015. -197 с. ISBN 978-985-08-1924-6.

учун дастлаб Беларусияда импорт ўрнини босиш амалиёти таҳлил қилинган, жумладан Беларусия импорт ўрнини алмаштириш сиёсатининг шаклланиш хусусиятлари, Беларусияда импорт ўрнини босишни амалга ошириш воситалари ҳамда импорт ўрнини босадиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги муаммолари тадқиқ этилган. Шунингдек, импорт ўрнини босиш жараёнларини ҳар томонлама, тизимли таҳлил қилиш методологияси, жумладан Беларусиянинг ташқи савдоси таркибидаги импортнинг улуши, импорт талабининг мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлари асосида импорт ўрнини босиш жараёнларини таҳлил қилиш методологияси ҳамда «Харажат ва Маҳсулот» ларнинг тармоқлараро жадваллари асосида импортга бўлган талаб таҳлил қилиб чиққан.

Эконометрик моделлар асосида товарлар импортига бўлган талабни ўрганиш усуллари монографиянинг аҳамиятли жихатларидан бири бўлган. Бунда ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатураси контекстида Беларусия импортининг динамикасидаги таҳлили амалга оширилган, Беларус рублининг реал айирбошлаш курсининг истеъмол товарларини импорт ўрнини босишга таъсирини ўрганиб чиқилган.

Монографиянинг якуний боби Беларусь Республикасида импорт ўрнини босишни такомиллаштириш йўналишларини тадқиқ этишга бағишланган. Бу қисмда Беларусияда импорт ўрнини босишни ривожлантиришга концептуал ёндашувлар билан биргаликда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг мақсадга мувофиқлигини комплекс баҳолаш методологияси ишлаб чиқилиб тавсия этилган. Мазкур масалалар бўйича илмий асосланган хулосалар берилган.

«Автомобил саноатида эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини такомиллаштириш (UzAuto Motors мисолида)» мавзусидаги тадқиқот ишимизнинг марказий предметларидан бири бўлган импорт ўрнини босувчи саноатни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар натижаларини таҳлил қилиш масаласи Воронеж муҳандислик технологиялари давлат университети «Иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш» кафедраси доценти Пигунова Мария Владимировнанинг илмий тадқиқотларида кузатишимиз мумкин. М.В. Пигунова ўз ишларида федерал ва ҳудудий миқёсда импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ соҳадаги рағбатлантириш воситалари таҳлил қилинади, саноатда «импорт ўрнини оқилона ўзгартириш» сиёсатини ижросини таъминлашга қаратилган Россия Федерациясининг субъектлари даражасида саноатни ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар ва илмий хулосалар ишлаб чиқилган.

Олим ўзининг илмий тадқиқотларида саноат маҳсулотларини импорт ўрнини босишнинг минтақавий режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

самарадорлигини баҳолашнинг ташкилий механизмларини ишлаб чиқишга ва уларни илгари суришга қилган ҳаракатларини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, муаллиф ишларида Россия Федерацияси субъектлари даражасида саноатнинг импортга боғлиқлик даражасини аниқлашга илмий-услубий ёндашувлар ишлаб чиқиш, иқтисодий хавфсизлик муаммоларини ҳал қилишда импорт ўрнини босиш ролини асослаш масалалари тадқиқ этилган. Муаллиф ишларидаги асосий илмий хулосалари, аниқланган қоида ва хулосалари илмий ва маърифий фаолиятда, саноат маҳсулотларини импорт ўрнини босишнинг минтақавий режаларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолашда, соҳаларда инвестиция ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ишлатилганлигини кўришимиз мумкин.

Умуман олганда юқорида номлари зикр этилган олимларнинг илмий тадқиқотларининг яқунлари бўлган монографиялар, ўқув қўлланмалари ва мавзуга оид адабиётлардаги ёндашувлар, импорт ўрнини босувчи саноат сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бўйича фикр-мулоҳазаларни ўрганиш ва уларнинг таҳлил қилиш асосида бизнинг тадқиқот ишимизнинг назарий-методологик асосини шакллантиришда қўлланиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулосага келинди.